

Ўзбекистон Президенти Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси билан телефон орқали мулоқот қилди



7 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркменистон Миллий Кенгаши Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухамедовнинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги дўстлик, яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Сухбат аввалида давлатимиз раҳбари Туркменистон Президенти Сердар Бердимухамедовга ўзининг самимий саломи ва энг эзгу тилаklarини билдирди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 20-21 октябрь кунлари Туркменистонга амалга оширилган расмий ташрифи давомидаги олий даражали учрашув ва тадбирларнинг самарали натижалари юксак баҳоланди.

Эришилган келишувлар ва имзоланган битимларни, шу жумладан фаол парламентлараро мулоқотлар ва алмашинувларни давом эттириш орқали амалга ошириш муҳимлиги қайд этилди.

Шу ҳафта охирида Самарқандда ўтказиладиган Туркий давлатлар ташкилоти саммитининг кун тартибидаги масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Манба